

Ақийда дарслари (56-дарс). Иймон тушунчаси



10:48 / 21.10.2019 5670

Иймон – тил билан иқрор бўлиш ва қалб ила тасдиқ қилишдир.

Шарҳ: Бу иймонни изҳор қилиш эътиборидан тасдиқлашдир. Чунки тасдиқлаш ички иш бўлиб, у беркилган бўлади. Фақат иқрор ёки тасдиққа далолат қилувчи ишлар билангина билинади. Аммо мавжудлик ва ҳақиқатга айланиш жиҳатидан эса иймон – дил билан тасдиқ қилишдир. Тил билан иқрор бўлиш, унинг аломати ва изҳоридир. Бас, муаллифнинг гапи бошқаларнинг гапига мухолиф бўлмайди.

Иймоннинг тасдиғи ҳақидаги мазҳаблар бештадир:

1. Молик, Шофеъий, Аҳмад, Авзоъий, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, бошқа аҳли ҳадислар, Мадина аҳли, аҳли зоҳир ва мутакаллимлардан бир жамоаси:

«Иймон қалб ила тасдиқ қилиш, тил билан иқрор бўлиш ва аъзолар билан амал қилишдир», деганлар.

2. Бизнинг асҳобларимиздан кўплари Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳи зикр қилган нарсага: «Иймон тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқ қилишдир», деган фикрга иттифоқ қилганлар.

3. Абу Мансур Мотуридий ва Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳилар: «Тил билан иқрор бўлиш ортиқча рукндир, аслий эмас. Аслий рукн қалб билан тасдиқ қилишдир. Иқрор эса унга аломат ёки узрли бўлмаганлар учун шартдир», дейдилар.

4. Карромия мазҳабидагилар: «Иймон фақат тил билан иқрор бўлишдир», дейдилар.

Уларнинг наздида мунофиқлар ҳам комил мўмин ҳисобланадилар. Бу эса очиқ-ойдин фасоддир. Чунки Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида: «Улар мўмин эмаслар» ва «Ана ўшалар ҳидоятга залолатни сотиб олганлар», деган (Бақара сураси, 8 ва 16-оятлар).

5. Жаҳм ибн Сафвон, қадария мазҳаби раисларидан бири Абул Ҳасан Солиҳий: «Иймон қалб маърифатидир, бўйсунмаса ва таслим бўлмаса ҳам бўлавереди», деганлар. Бу гапнинг фасоди олдинги гапдан ҳам зоҳирроқдир. Агар бу гапга юрилса, фиръавн ва унинг қавми ҳам мўмин бўладилар. Чунки улар Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг ҳақлигини билганлар, аммо иймон келтирмаганлар. Аҳли китоблар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ эканликларини ўз болаларини билгандек билганлар, аммо иймон келтирмаганлар. Кофир бўлганлар.

Билингики, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи билан бошқа Аҳли сунна имомлари орасидаги ихтилоф суратда, холос. Улар гуноҳи кабира иймондан чиқармаслигида, балки уни қилган одам Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола қилинишида, хоҳласа азоблайди, хоҳласа афв қилади, деган фикрда иттифоқ бўлиб туриб, «Қалбдаги иймон учун аъзоларининг амали лозимми ёки иймондан бир жузми?» деган масалада баҳслашганлар ва бу баҳс лафзий низодан бошқа нарса бўлмаган. Бу ерда ақийдага тегадиган нарса йўқ.

Агар бу масалада Аҳли сунна орасидаги низо фақат лафзий низо бўлса, уларнинг бир тоифаси иккинчисига душманлик қилишларига ва шу боис тафриқага тушишларига ҳеч ҳожат йўқ.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи далиллар келтириб, иймон ҳақиқатига луғавий жиҳатдан назар қилганлар. Бошқа имомлар раҳматуллоҳи алайҳим эса иймон ҳақиқатига шаръий таъриф жиҳатидан назар қилганлар. Чунки шариатда тасдиққа намоз, рўза, ҳаж ва шунга ўхшаш нарсалардаги каби васф ва шартлар қўшилган.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан